

АМИР ТЕМУР-ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ТАЯНЧИ

Салимов Азизбек Салимович

“Қоқанд Университети” Андижон филиали

Маънавий-маърифий ва ёшлар билан

ишлаш департаменти бошлиғи

Аннотация

Мазкур мақолада буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг маънавият ва маърифат меъмори сифатида мамлакатда олиб борган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналишлардаги фаолияти илмий-фалсафий таҳлил қилинади. Маърифатпарвар хукмдорнинг оқил мутафаккирлар, забардаст шоирлар, йирик уламоларнинг илм-маърифат йўлидаги фаолиятларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳомийлик қилиб, мамлакатда илм-фан равнақ топишида улкан ҳисса қўшганлиги асосланиб, бугунги ёшларимиз тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилади.

Калит сўзлар: Амир Темур, маънавий жасорат, “Темур тузуклари”, ЮНЕСКО, Учинчи Ренессанс, маданият, маънавият, фан ва маърифат, маънавий мерос, “Бобурнома”, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий манбалар, обидалар, инсоний фазилятлар.

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, урф-одати ва шу халқнинг маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолари, давлат арбоблари, алломалари бор. Халқнинг ўз тарихини билишга, ўзлигини англаб етишга интилиши, шу билан биргаликда, бугуннинг алоҳида эътибор қаратмоқ лозим бўлган долзарб вазифаларидандир. Агарда халқимиз тарихига чуқурроқ назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам ўзининг бой, моддий ва маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшиб, дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлганига амин бўламиз. Бу эса ўз ўрнида халқимизга, айниқса, ёшларимизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Мана шундай буюк зотлардан бири Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, «Темур тузуклари» ва «Зафар йўли» каби асарлар муаллифи – соҳибқирон Амир Темурдир.

Бизга маълумки, Соҳибқирон Амир Темур улкан ва қудратли салтанат барпо этиб, маънавий маданиятнинг юксалиши, гуллаб-яшнаши учун, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланиши учун шароит яратди. Турон заминини қайтадан тамаддун бешигига айлангирди. Бу билан Мовароуннаҳрдаги илм-фан ва маданият довуғи жаҳонга юз тутди ва кўплаб олимлар, ижодкорлар дунёга келди.

Муҳокама ва натижалар

Инсоният тарихида жаҳонгирлик давоси билан тарих саҳнасига чиққан фотиҳлар орасида Амир Темур ўзининг илм-фанга, маданият ва санъатга, меъморчилик ва бунёдкорлик ишларига қўшган ҳиссалари билан ажралиб туради. Амир Темур

дунёқарашига хос бўлган яхши ахлоқий фазилатлар унга шон-шавкат, беқиёс шуҳрат ва бахт-саодат келтирди.

Умрининг кўп қисми юришларда ўтган Амир Темур қачон она юртга қайтса, фуқароларнинг фаровонлигини ўйлаб, омборхона, шифохона, мадрасалар қурдирган. Юртдаги фаровонликни химоя қилиш мақсадида Самарқанд шаҳри деворларини мустаҳкамлаб, диний ва дунёвий билимлар ривожига алоҳида аҳамият берган. Соҳибқирон Амир Темур нафақат марказлашган давлат тузиб, гўзал бинолар барпо этган, балки мамлакатда иқтисод, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишига ҳам замин яратган. Марказий Осиё замини бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилган эди.

Темур ва темурийлар даврида яратилган юксак маданиятни ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бир неча бор эътироф этганлиги – Темурийлар Ренессансини халқаро миқёсда тан олинганлигини яққол исботлаб турибди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг хизмати ижтимоий идеалнинг мазмунини тўлдиради. Шу боис Амир Темур ахлоқий идеалига бўлган эътиромнинг умумназарий моҳиятида "Амир Темурни англаш – ўзлгимизни англаш демакдир" - деган ғоя мужассам.

Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Бобомиз Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган Турон даври миллий ва умуминсоний қадриятлари, тарихий манбалар, обидалар, инсоний фазилатларнинг шаклланишида ўз ифодасини топди. Темур ва темурийлар даврида бугунги кунда ҳам дунё халқлари томонидан эътироф этилаётган, қадриятларга асосланган буюк маданий юксалиш рўй берди.

Амир Темур ва унинг авлодлари мероси бугунги Янги Ўзбекистоннинг миллий маънавий юксалиши жараёнларида ёшларимизда ватанни севиш ва ардоқлаш, катталарга ҳурмат-эътибор, адолатли бўлиш, тўғрисиўзлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантириб, баркамол инсон бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, умуминсоний қадриятлар асосига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни битмас туганмас хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Амир Темурнинг ҳаётнинг барча жабҳаларига оид ўғитлари ўзининг қимматлилиги ва аҳамиятлилиги билан ҳозирги давримизда ўз долзарблигини йўқотмаган. Биз ёшларга бу насихатларни қанча ўргатсак, шунча кам.

Соҳибқирон бобомиз адолат, кадр-қиммат, ор-номус, бурч, маъсулият, виждон, йимон-эътиқод, ҳалоллик, фидойилик сингари маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақида неча-неча авлоду аждодларга дастур ва йўл-йўриқ бўлиб хизмат қиладиган таълимотлар яратган ва ҳаётга шахсан ўзи жорий этган.

Шахсан Амир Темурнинг ўзи одоб-ахлоқ, йимон-эътиқод, таълим-тарбия, маданият, маънавият ва маърифат бобида юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан

биридир. Унинг салтанати юксак маънавият ва олий даражадаги маданиятга йўғирилган салтанат эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Соҳибқирон Амир Темур ўғитларини унинг моҳияти ва вазифасига қараб куйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

Ахлоқ ва одоб ҳақидагиларга куйидагилар киради:

- Адолат ва адолатсизлик
- Сўз ва ишнинг бирлиги
- Дўст ва душманлик
- Ботирлик ва қўрқоқлик
- Сўз ва ширинсуханлик

Темур ва темурийлар даврида Нақшбандия таълимоти кенг ривожланди ва тарқалди. Сиёсий курашлар силсиласида тобланиб, чиниқиб келаётган Темурбек маънавияти нақшбандия ғоялари асосида тўлишди ва ёришди. Соҳибқирон Амир Темур нақшбандия таълимотига ихлос қилди ва эътиқодига айланди.

Ҳадис илмидаги олти буюк алломадан тўрт нафари бизнинг ҳамюртимиз бўлгани сабабли ҳам, бу мамлакатда илмга эътибор борлигини кўрсатади. Ҳозиргача инсоният тарихида ҳеч бир ҳукмдор сулоласидан темурийлар хонадонида бўлгани каби илм-фан ва адабиёт намоёндалари чиқмаган. Темурийлар дунёга ўнлаб шоир ва олимларни, сиёсат, давлат арбобларини берди.

Дарҳақиқат, Амир Темур юртида илм-фан аҳли, ижодкорлар учун яратилган шарт-шароит, ғамхўрлик туфайли Самарқанд дунёнинг маърифат марказларидан бирига айланди ва унинг довуғи дoston бўлди. Буни эшитган, илм-фанга хавас қўйган ижодкорлар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан Самарқандга кела бошлаганлар.

Тарихий шахслар характеридаги ибратли қирраларни ўрганиш, тарихий воқеалар ҳамда буюк шахслар ҳаётидаги даврлар синовидан ўтган, машҳур тарихий сиймоларнинг фаолиятини тадқиқ этиш ҳар қайси даврда ҳам аҳамиятли бўлган.

Темурийлар салтанати ҳукмронлиги даврида Мовароуннахр ва Хуросонда бадиий адабиёт ўзининг янги ривожланиш поғонасига эришган бўлса, ўзбек адабиёти Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Дурбек, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Саййид Қосимий ижодлари мисолида ўз тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилди.

Ҳозирги авлод учун Соҳибқирон шахсидаги ҳалоллик, жасорат, фаросат, матонат, қатъият каби кўплаб ахлоқий фазилатлар мавжудки, уни ўрганиш, амал қилишни фойдаси ва ҳикмати кўп.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши даврида дунё тан олган буюк саркарда Амир Темур фаолияти ҳақиқат кўзгуси орқали ўрганилмоқда, унинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилиш орқали шундай улуғ аждодимизга нисбатан фахр ва ифтихор ҳисси ёшларимиз қалбига сингдирилмоқда.

Амир Темурнинг илм-маърифат ҳомийси бўлгани, жасорати, бунёдкорлиги, миллат ва халқ олдидаги хизматлари, қаҳрамонликлари ёшларимизга намуна бўлиб, уларда – аждодларга муносиб авлод бўлиш туйғусининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Амир Темур – бизнинг фахримиз, ғуруримиз!

Хулоса:

Шундай қилиб, Темур маънавияти улкан манба ва туганмас бир булоқдир. Ҳозирги мустақилликка эришган давримизда, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, миллий мафкура ғояларини фуқароларимиз онгига сингдиришда бу манбанинг аҳамияти беқиёсдир. Темур маънавиятининг бизга ўргатувчи, сабоқ бўлгучи жойлари жуда кўпдир. Зеро, бу маънавият бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий бойлигининг бир бўлаги бўлиб, юртимиз равнақи ва порлоқ келажаги учун ҳамиша хизмат қилажакдир.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс негизлари яратилаётган бир даврда тарихий меросга, ўзликни англашга янгича муносабат шакллантирилаётган, жамиятимиз маънавий ҳаётида покланиш юз бераётган бир шароитда Амир Темур даврида яратилган маънавият муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур сиймосига аталган меҳр ва эҳтиром, айниқса, унинг туғилиб ўсган юрти Ўзбекистонда истиқлол йилларида мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди. Тарих-ҳақиқат мезони, жарчиси. У алдай олмайди, алданмайди ҳам. Тарихий жараёнларни ёшларимиз, бутун мамлакат аҳли янги онг ҳисси билан қабул қилмоқдамиз. Янгиланаётган Ўзбекистонда Соҳибқирон маънавияти, адолатли сиёсати юксак ибрат ва бой тажриба намунаси бўлиб келаётганлиги, бу-айни ҳақиқатдир.

Адабиётлар

1. Mirziyoyev, Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi / Sh.M Mirziyoyev - Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2021. – 464 bet.
2. Ҳамроева, М.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин / М.А. Ҳамроева (Амир Темур образларининг насрий талқини). Дисс. филол. фан. ном. -Термиз, 2008. 15 б. 3. Мўмино, И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар ва маълумотлар асосида) 2-нашр. –Тошкент: Фан, 1993.
4. Самадов, А.Р. Ахлоқий идеалнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва унинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти / А.Р. Самадов (Дисс. фалс. фан. ном). –Тошкент: 2010. - 85 б.
5. Каримов, И.А. Амир Темур – фаҳримиз, ғуруримиз / И.А. Каримов –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 205.
6. Темур тузуқлари. –Тошкент: “Шарқ” НМАК, 1996. -31 б.